





# ТИНЧЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЭНГ ШАРАФЛИ ИШ



Айниқса, тизимли ислохотлар самарасида давр талаби ва жаҳон андозаларига жавоб берадиган, мамлакат мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга қодир миллий армиямиз шаклланди. Бунда, хусусан, ҳарбий қисмларимизда хизматчиларнинг маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор

берилаётир. Ҳарбийларимизнинг мамлакат хавфсизлигига қарши қаратилган ҳар қандай таҳдид ва хатарларга тезкор ҳамда самарали жавоб бериш қобилияти янада кучайтирилди. Оддий аскардан тортиб офицергача юртимиз хавфсизлигини мустаҳкамлаш тўғриси ва мамлакатимиз тақдири учун масъулият ҳисси билан яшамокда. Шу маънода, бугун фахр билан

айта оламизки, жасур ўғлонларимизга халқимиз чуқур ҳурмат ва самимий меҳр-муҳаббатини изҳор этаётгани уларга куч-қувват бағишламокда. Бугун мамлакатимизнинг кўпчилиги хавас қилаётган иқтисодиётига, ривожига, маҳоратда ҳеч кимдан кам бўлмаган химоячиларига қараб, соҳибқирон Амир Темурнинг “Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур”, деган гапларини ёдга оламиз.



турмуш даражасини ошириб боришга қаратилган инсонпарварлик сиёсати мумкин.

Касб сипарисини пухта эгаллаб, намунали ҳулки, билимдонлиги, фидойилиги билан жамоада ҳурмат топган ҳарбий хизматчилар нуфузли давлат мукофотлари, жумладан, II даражали “Шон-шараф”, “Мардлик”, “Дўстлик” ва II даражали “Саломатлик” орденлари, “Жасорат”, “Содиқ хизматлари учун” ва “Шуҳрат” медаллари билан тақдирланиб келинаётир. Биз эса гоёт масъулиятли ва олижаноб вазифани шараф билан адо этаётган мард ва жасур, эл-юртга садоқатли ўғлонларимиз билан ҳақиқий равишда фахрланамиз.

Мухтасар айтганда, мудофаа соҳасида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳарбий кадрлар тайёрлаш ишлари тўдан такомиллаштирилаётгани, армия сафларида хизмат қилаётган ва унга қақирилувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қартиллаётгани самарасидир.

**Абири ҲУСЕЙНОВА,**  
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**  
**Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг**  
**Бухоро вилояти минтақавий вакили.**



## СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ НАЗАРДА ТУТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан “Солиқни ҳисоблаб чиқариш тартибининг айрим қоидалари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур ҳужжат фойдаланилмаётган объектлар эгаларига нисбатан мол-мулк ва ер солигининг оширилган ставкалари қўлланилишини бекор қилиш, давлат органларига, муассаса ҳамда ташкилотларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилган ва улар томонидан бошқа ташкилотларга ижарага берилган ерларни солиққа тортиш тартибини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳаси билан 2022 йил 1 июлдан бошлаб фойдаланилмаётган кўчмас мулк объектларига мол-мулк ҳамда ер солиқларининг оширилган ставкаларини қўллаш ва имтиёзларнинг амал қилишини тўхтатиш тартиби бекор қилинади.

Бундан ташқари, 2025 йилнинг 1 январига қадар

электротехника тармок корхоналарининг ихтисослаштирилган марказларининг объектлари ҳамда улар эгаллаган ер участкалари бўйича мол-мулк ва ер солиқларини ҳисоблаган суммадан 1 фозиз, шунингдек, ихтимомий солиқни ҳам 1 фозизли ставка бўйича тўлаш тартиби назарда тутиляпти.

Қонун лойиҳасидаги нормалар мамлакат солиқ тизимини такомиллаштириш, бизнес муҳитини яхшилаш, фуқароларни қўшимча ихтимомий қўллаб-қувватлаш ва уларнинг мулклий ҳуқуқларини ҳимоялашга хизмат қилади.

Мухокама сўнггида қўмита томонидан қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш ақунари юзасидан қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## Сенатор ва ҳаёт

### ОРОЛБЎЙИДА ЎРГАНИШЛАР ОЛИБ БОРИЛДИ

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари жойларда бўлиб, Президентимизнинг 2022 йил 25 октябрдаги “2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ўрганиш олиб бормокда.

Хусусан, парламент юқори палатасининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Ботир Матмуратов айтиш мақсадада Тўрткўл туманида бўлди.

Дастлаб туман ҳокимлигида ташкил этилган йиғилишда қарор ижроси бўйича олиб борилаётган ишлар мутасаддилар иштирокида атрофлича таҳлил қилинди. Айтиш чоғда маҳаллалар инфратузилмасини ривож-

лантириш бўйича ажратилган маблағларнинг тўғри сарфланиши, қурилиш материаллари ва бунёдкорлик ишларининг сифатли бажарилиши масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шундан сўнг сенатор масъуллар, пудратчи ташкилотлар раҳбарлари ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари билан биргаликда “Шодлик” МФЙ ҳамда “Тозабоев” МФЙда олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди.

Ўз навбатида, туман марказидан олисда жойлашган “Ёнбошқалъа” ОФЙ аҳолиси билан учрашув ўтказилди ҳамда эҳтиёжманд, ногиронлиги бўлган ва касалманд аъзолари бор оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, сенатор Қонунчилик палатаси депутати иштирокида Нукус шаҳридаги бир нечта фуқаролар йиғинида бўлиб, юқорида номи келтирилган қарор асосида маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича рўёбга чиқарилаётган ишлар билан танишди.

Сенаторнинг Оролбўйидаги ўрганишлари давом этмокда.

«Халқ сўзи».

## ЯНГИ ЙЎНАЛИШ АҲОЛИНИНГ УЗОҒИНИ ЯҚИН, МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛДИ

Бугунги кунда аҳоли, хусусан, сайловчилар билан доимий мулоқот қилиш, уларни йўналтираётган масалаларни ҳал этиш депутатларнинг сайлов округларидаги фаолиятининг устувор йўналишига айланган.

### Қулайлик

Очиқ мулоқотлар чоғида халқ вакиллари жойларда сайловчиларни қўйиб кетмади, одамларнинг ҳаётини яхшилашнинг тинчлантириш. Шундан бўлса керак, фуқаролар ҳам уларнинг ҳудудларга келишларини интиқлик билан кутиши айтиш ҳақиқат.

Хусусан, парламент қуйи палатаси депутати Фарход Зайниев Қарши шаҳридаги “Харамжўй” ва “Хонтепа” маҳалла фуқаролар йиғинларида 2022 йилнинг ноябр ойида бўлиб ўтган учрашувда маҳаллий аҳоли вакиллари Хонтепа маҳалласи шаҳар билан жамоат транспорти орқали бо-

ланмаганини айтиб, шу масалада халқ вакилидан қўмақ сўрашган эди.

Депутат Ф. Зайниев ушбу муносабатни обдан ўрганиб, ечимни юзасидан тегишли идораларга депутатлик сўрови юборди. Орадан бироз вақт ўтган эса Қарши шаҳрида янги 16-сонли микроавтобус йўналиши иш бошлади.

Айтиш жоизки, ушбу йўналиш узунлиги 11 километр бўлиб, йўловчиларга бугунги кунда 10 та замонавий микроавтобус хизмат кўрсатмокда. Уларнинг ҳаракат оралиқ интервали беш дақиқани ташкил этапти. Нархи ҳам қўлай – 3 минг сўм.

Айтиш чоғда аҳоли бу каби амалий ишлардан мамнун.

«Халқ сўзи».

# БИЛИМ БОР ЖОЙДА БУЮКЛИК БЎЛАДИ

Эътироф этиш керакки, бугун халқимиз фарзандларини шинам ва замонавий, билимнинг жажжи қошо-наси бўлган мактабларга кузатар экан, уларнинг кўнгли тўқ ва хотиржамдир. Чунки эртагиз эгалари ишончли кўларда. Ўқув-чини неки қизиқтирса, мактабда бор: китоблар, дарсликлар, компьютерлар, лабораториялар дейсизми, тўғрақлару хорижий тиллар ўрганиш имконияти, спорт анжомлари уларга мунтазир. Фақатгина биздан талаб этилаётгани сифатли таълим, замонавий ёндашув ва тизимга бўлган қарашларимизни янгиича ислох этишдир. Айниқса, жамиятда ўқитувчи касбига бўлган муносабатимизни ўзгартириш масъулиятимиз.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эндиликда мактаб битирувчиларига камиди 2 та тилини ўргатиш йўлга қўйилиши, улар касбга йўналтирилиши, ўқув фанларига креатив соҳаларнинг жалб этилиши, ўқитувчиларга ипотека кредитлари ажратишда имтиёзлар белгиланиши, “4К” кўникмиси бўйича ишлаб чиқилган янги авлод дарсликлари амалиётга татбиқ қилиниши, қизлар таълими, шунингдек, фан олимпиадаларига алоҳида эътибор қаратилиши халқимиз, ёшларимиз ҳамда зиёлиларимиз томонидан мамнуният билан қўллаб-қувватланмокда.

Таъкидлаш жоизки, жамиятнинг бугуни ва келажиги, унинг маданий-маърифий ва маънавий салоҳияти таълим тизими қай даражада ривожлангани билан белгиланади. Тизимдаги ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ. Шу сабабли мамлакатимизда ўқитувчилар меҳнатини қадрлаб, уларга ҳар жиҳатдан жамғўрлик кўрсатилмокда. Жумладан, юртимизда таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислох қилиш, янги илм масканлари қуриш, уларни замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари изчил давом этирилмокда.

Инсон капиталига сармоа киритиш, таълимни ислох қилиш, билим даргоҳлари инфратузилмасини такомиллаштириш, ўқитувчилик касбининг мавқеини таълим сифатини ошириш, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан етук, интеллектуал салоҳияти, эртанги кунимиз суянчи ва таянчи бўла оладиган инсонлар сифатида камол топтиришга устувор аҳамият қаратилмокда.

Бунинг ифодасини соҳада замонавий педагогик технологиялар, ривожланган давлатлар тажрибаси кенг қўлланаётгани, таълим-тарбия жараёни инновацион ёндашувлар асосида олиб борилаётгани, ахборот-коммуникация технологиялари, мультимедиа воситаларидан оқилона фойдаланилаётгани, халқаро микёсда ҳам таълим ва тажриба алмашув жараёни изчил ривожланиб бораётгани каби истиқболли



одинларда яққол кўриш мумкин. Инсоният ривожини, халқ, миллат равақи, маънавий тақомили ва юксалиши илму маърифатнинг юқори чўққига етганидан далолатдир.

Президентимизнинг 2022 йил ақунлари бўйича мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатномасида “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яққола ягона тўғри йўлидир”, дея бежиз таъкидланмади. Чунки мамлакатимизнинг тараққиёти учун таълимнинг янги параметрларда равақ топиши энг муҳим зарурият ҳисобланади.

Агар туркий таълим ва тарбиянинг илдиэларига назар ташласак, Юсуф Хос Ҳожиб бобомизнинг:

“Заковат бор жойда улуғлик бўлади,

Билим бор жойда буюклик бўлади,” дея битган ҳикмати орқали маърифат масаласи бундан ўн аср илгари ҳам ҳозиргидек глобал тарзда кун тартибиде тургани, давлатчиликнинг боши масаласи бўлгани аниқлашди.

Шунингдек, “Агар шоғирд шайхулислом, агар қозидур, агар устоз рози — Тангри розидур”, дейди Алишер Навоий ҳазратлари ўз байтида. Ҳақиқатан ҳам, кўз нури ва қалб кўрини, бутун онгли ҳаётини ёш авлодга билим ва тарбия беришга, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришга бағишлаган, қисқача айтганда, Ватанимизнинг эртанги кунини — пойдеворини яратётган бу инсонларнинг олижаноб меҳнати гоёт улуғвор.

Бу эса ўша миллат, халқ, давлат ва жамият тамаддунининг юксак даражасини белгилловчи муҳим мезон. Шунинг учун юксак тамаддунга эга миллатнинг илдиэи маърифат чашмасига тўйинган, танаси билим, меваеси эса етуклик, баркамоллик, коммуллиқдир. Ўзбек эли ана шундай миллий маърифат чашмасидан озиқланган, илдиэи бақувват, тарихда бир нечта ренессанс даврини бошдан кечирган ва дунё тамаддунига кўтлаб даҳоларни етиштирган миллат. Ватан равақидаги ҳисса қўшадиган шундай кадрларни ким тарбиялайди? Ким юрт келажиги бўлган ёш авлод

вакилларига сабоқ бериб, уларни илмфан чўққиларини забт этишга йўналтиради? Ўқитувчи ва мураббийлар, албатта.

Шу боис давлатимиз раҳбари ўқитувчилар билан мулоқотида таълим сифатини ошириш, фарзандларимиз қўлига улар кутган дарсликларни тутиш, жамиятда ўқитувчи оёрусини юксалтириш, уларга залварли меҳнатига яраша иш ҳақи бериш каби муҳим масалаларга алоҳида тўхтади.

Айтиш керакки, ҳаётимиз ёшларга таълим беришдай шарафли касб билан ўтаётгани асл фахримиздир. Зеро, машҳур педагог, ўзбек мактаби асосчиси Абдулла Авлоний ҳам ўқитувчи шахси хусусида тўхталганида унинг вазифасига бежиз “**Диққатларига суялган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифа**”, дея таъриф келтирмаган. Албатта, атоқли олим ўтмиш зарварқаларида таъкидлаганидек, ўқувчининг маънавий бойлиги, “**Фикрининг қуввати, зийнати, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдур**”.

Дано халқимиз ҳам “Устоз отангдан улуг”, дея нақл қилганда, албатта, улуглик таълим-тарбия улашишда эканини авлодларга сингдирган.

Бугун халқимиз бевосита гувоҳи бўлаётганидек, таълимга эътибор ўзгача. Энг муҳими, фарзандларимиз ўқитувчи бўлишни орзу қила бошлади. Таълим бериш, маърифат таратиш миллий ғурурга айланиб бормокда. Президентимиз жонкуярлиги билан устозлар елкасидан мажбурий меҳнатнинг залворли юкларни олинди. Ўқитувчининг жамиятда қадр-қиммати ошиб, елкасига офтоб теғди.

Ўзгаришларга юз тутаётган ҳаёт эса шиддат билан давом этмокда. Янги Ўзбекистон эса келажак авлодлар учун зарур шарт-шароитларни яратишдан йўқ. Юртимизда кундан-кунга янги сифат босқичидаги таълим масканлари, хусусан, янги хусусий мактаб ва олий таълим муассасалари очилмокда.

Янги форматдаги мазкур ўқув даргоҳларини ташкил этишдан мақсад илгор технологияларни таълим жараёнига кенг татбиқ этган ҳолда билим борасида дунё ёшлари билан рақобатга кириша оладиган етук кадрларни шакллантиришдан иборат. Хусусий олийгоҳлар ташкил этилгани давлат тасаруфидеги олий таълим масканлари билан соғлом рақобат муҳитини пайдо қилмокда. Энди ҳар бир таълим даргоҳи ўз нуфузини сақлаб қолиш, иқтидорли ёшларни таълим муассасаларига жалб этиш, салоҳиятини яхшилашга интилимокда.

Олий таълим муассасалари нуфузи эса кўп жиҳатдан ўша таълим муассасасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг тажрибасига боғлиқ. Рақобат майдонида ҳар бир университет ўзига энг яхши мутахассисларни жалб этишини истади. Энди соҳасининг етук мутахассиси бўлган ўқитувчиларда танлаш имконияти кенгайди. Бундай шароитда барча университетлар ўз мақомини сақлаб қолиш ва янада баланд марраларни забт этиш учун курашади. Ёшларга таълим ва тарбия бериш билан бирга, эгаллаган билимларини коллабративликда бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан боғлашда мураккаб вазифаларини ҳал этиш

арафасида ёшларимизни Ватанга муҳаббат, садоқат, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаётган, устозлик касбида ҳалол ва самарали иш олиб бораётган илгор педагоглар давлатимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланиши ҳам бунинг амалий тасдиғидир. Аслида илм-фаннинг, миллатнинг, юртининг истиқболи шу оддий муаллимларнинг камтарона ва буюк хизмати-га чамбарчас боғлиқдир.

Муаллимлик ҳунар эмас, балки боланинг ички дунёси ва шахсий фазилатларини ривожлантириш қонуниятини чуқур билишни талаб қиладиган санъатдир. Устоз бир томондан, юксак билимли, иккинчи томондан эса ахлоқий ва маънавий пок одам бўлиши керак. Унинг энг катта бурчи юрт равақида муносиб ҳисса қўша оладиган, ақл-идроқли, фаҳм-фаросатли ва қобилиятли шоғирдлар тайёрлашдан иборат. Яхши педагог бўлиш учун билимнинг ўзи камлик қилади. Касбий салоҳият, маънавий баркамол, кенг дунёқара ва соғлом фикрга эга муаллимларни тайёрлашда педагогик таълим йўналиши мавжуд даргоҳлар, жумладан, бизнинг Фарғона давлат университети зиммасида катта масъулият, жамоа ўз олдида қўйган муҳим мақсадлар, вазифалар бор.



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

таълим берувчининг гоёвий эътиқоди, касбий маҳорати, санъати, истеъдоди ва маданиятига боғлиқ.

Бугун мамлакатимизда таълим ислохларининг узвий қисми бўлган ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга оид намунали ишлар жаҳоннинг кўтлаб давлатлари томонидан юксак баҳоланиб, мустақиллик йилларида ўтказилган бой ва илгор маърифий тажриба сифатида ўрганилаётир. Ўқитувчиларнинг касб байрами

Авалло, олийгоҳ бағрида бўлажак ўқитувчиларимиз учун кичик педагогик институт — “Болажон” инновацион таълим марказини очган ҳолда талабаларни амалиёт жараёнига олиб кирдик. Бу марказда оилали талабалар ва университет ишчи-ходимлари фарзандлари бўлажак педагоглар эътиборида бўлади ва талабалар учун яхшигина амалиёт синовларини ўтаб беради. Энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган, мактабгача таълимнинг

илгор методик ютуқлари татбиқ этилган бу муассаса ҳам талабалар, ҳам жамоа учун манфаатлидир.

Шунингдек, олийгоҳимизда Президентимизнинг ўтган йил 11 майдаги “2022 — 2026 йилларда халқ таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида биноан, педагогик таълим йўналишларининг кундузги таълим мактабда таълим олувчи 2 — 4-босқич талабалари учун ҳафталик ўқув машғулотлари “4+2” тартибда, жумладан, дарсларнинг тўрт кунини олий таълим муассасасида, икки кунини умумий ўрта таълим масканларида амалиёт ўташ тартибиде олиб бориломокда.

Бу эса педагог-талабаларнинг тажриба майдонида кўп вақт ўтказиши, мактаб муҳитига мослашиши, касбий компетенгликни шакллантириш ва ривожлантиришда жиддий қадамдир. Бу дастур таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида яратилган кластерли ёндашувларга асосланган инновацион жараёни ҳисобланади. Бунда ҳар бир таълим йўналиши бўйича тегишли мутахассислик фанларидан амалий машғулотлар тўлиқ танланган ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ва таълим муассасалари базасида ўтказилади.

Дуал таълим шунга асосланганки, ўқув машғулотлари (маърузалар, ўқув лабораториялари) тўрт кун университет аудиторияларида, амалий машғулотлар ҳафтанинг икки кун давомида мактаб ва бошқа таълим муассасалари базасида ўтказилади. Бу тизим талабаларга танлаган мутахассислиги бўйича 4 йил давомида юқори малакали кадр бўлиши, ишлаб чиқаришдаги муаммолар ва уларнинг ечимини бўйича тегишли тасаввур ҳосил қилишга имкон беради. Битирувчи талабаларимиз мактаб, лицей, коллеж ва техникумларда, университетларда турли фанлардан дарс беради, маънавий тарғиботчилари, миллатпарвар ва ватанпарвар авлод тарбиячилари сифатида фаолият юритади. Биз мана шу ихтимомий жавобгарликни юксак даражада ҳис этишга қодир кадрлар тайёрлашни энг олий бурчимиз деб билган ҳолда бўлғуси педагогларнинг назарий билимлар олиши билан бирга, уларни амалиётда қўллаш кўникмасини эгаллашга алоҳида эътибор қаратмокдаимиз.

Амалиёт давомида талабалар улугларимиз таъкидлаб кетган бир ҳаётий фалсафани чуқур англаб етмокда: маърифат куёши росттўйлар қалбида кўришиб, кечаси ҳам йўқолмайди. Ишончимиз коммулки, улар келгуси фаолиятида чинакам “маърифат куёшини”га айланиб, халқимиз, Президентимиз кутаётган мураббий бўлиб етишади. Зеро, таълим сифати ўқитувчи сифатидан юқори бўла олмайди.

**Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,**  
**Фарғона давлат университети ректори.**



# КЕНГ КЎЛАМЛИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ

Касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, касаба уюшмалари ҳамда иш берувчилар бирлашмалари вакилларидан иборат ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий комиссиялар тузилди. Улар жамоавий меҳнат низолари ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш, меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлиги, бандлик, иш ҳақи ва ижтимоий ҳимоя йўналишларида иш олиб бормоқда.

— Бир қатор тармоқ ҳамда ҳудудларда жамоа шартномаси иш ҳақи миқдорини оширишнинг самарали воситасига айланаётгани янада аҳамиятлидир, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Хусусан, республика камиз бўйича 18 минг 811 та корхона ҳамда ташкилотда жамоа шартномалари асосида ягона тариф сеткасида белгиланган разрядлар коэффицентини кўтаришга, бу орқали 915 минг 840 нафар ходимнинг иш ҳақи оширилишига эришилди. Иш ҳақи ўз вақтида тўланишини таъминлаш, иш берувчилар томонидан энг кам иш ҳақи меъёрларига риоя қилиниши, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ҳолларда иш ҳақидан ушлаб қолишларнинг олдини олиш масалалари Федерация аъзо ташкилотлари фаолиятининг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Сир эмаски, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқига дахлдор амалий ишлар статистик маълумотлар орқали янада аниқроқ тасаввур уйғотади.

2022 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси томонидан 857 та ташкилотда ўтказилган жамоатчилик назорати тар-

ҳисобот даврида касаба уюшмаларига “Ишонч телефони” ва интернет тармоғи орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларнинг 1 158 таси қаноатлантирилди. Жами 16 минг 505 нафар инсоннинг ижтимоий меҳнат муносабатларида оид ҳуқуқлари тикланиб, ходимлар фойдасига 11 млрд. 794 млн. сўмдан зиёд зарар пуллари ундириб берилишига эришилди.

Касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан яна бири — ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишида ҳам тизимли ишлар бажарилди.

**2022 йилги ёз мавсуми давомида:**  
— республика бўйича 402 минг 399 нафар бола соғломлаштирилди;  
— “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларнинг фарзандларига болалар оромгоҳларига бепул йўланмалар берилди;  
— ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг 703 нафар фарзанди стационар турдаги оромгоҳларда бепул, шунингдек, касаба уюшмалари тизимидаги 16 та санаторийда 2 154 нафар она ҳамда бола биргаликда дам олдирилди;  
— ички туризмни ривожлантиришга қўмаклашиш мақсадида 296 минг нафардан зиёд меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларининг мамлакатимиздаги тарихий шаҳарлар ҳамда ўз ҳудудларидаги диққатга сазовор жойларга саёҳатлари уюштирилди;



Таъкидлаш керакики, Президентимизнинг хорижий мамлакатлар, аввало, қўшни давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш соҳасидаги прагматик сиёсатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ташаббуси билан таъсис этилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари Кенгаши нуфузи ва аъзолари сони ортди.

Гап шундаки, ўтган йилда мазкур Кенгаш аъзолигига Қирғизистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Мўғулистон касаба уюшмалари Конфедерацияси ҳам қабул қилинди.

Ислохотларнинг яна бир муҳим йўналишига эътибор қаратсак, 2022 йилда Федерация томонидан янги замонавий санаторийлар ҳамда болалар оромгоҳлари, қатор ижтимоий объектлар бунёд этилди.

Хусусан, Тошкент вилоятининг Паркент туманида жаҳон андозлари талабларига жавоб берувчи янги “Заркент” санаторийси, Бўстонлиқ туманида муҳташам “Сеvarсой” санаторийси, Фарғона вилоятининг Сўх туманида замонавий “Сўх” болалар соғломлаштириш оромгоҳи фойдаланишга топширилгани, айниқса, эътиборга сазовордир.

Бунёдкорлик ҳақида гап кетганда шуни ҳам эслаш ўринлики, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Тошкент шаҳри марказидаги юртимиз маданияти ва санъатида ўзига хос ўрин тутган тарихий бино — собиқ Свердлов номили концерт зали биноси негизида муҳташам “Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи” бунёд этилди.

Яқин тарихда муҳим маданий марказ бўлган ушбу маскан узок йиллар эътибордан четда қолган эди. Президентимиз ташаббуси билан тарихий қошаона яна халқимизга қайтарилди. Касаба уюшмалари ходимлари кўни муносабати билан ушбу саройда катта байрам тантанаси уюштирилгани соҳа ходимларининг кайфиятини янада хушнуд этди, десак, аниқ ҳақиқат.

Шу билан бирга, ўтган йили

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ҳам барпо этилди. Давлатимиз раҳбари қарори билан ташкил қилинган ва Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур академияда бугунги кунда меҳнат ва ижтимоий муносабатлар соҳасида халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ малакали кадрлар тайёрланади.



тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда олий таълим муассасасида кундузи ва сиртки таълимнинг бақалавр йўналишида жами 474 нафар талаба таҳсил олмақда. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тарихи музейи қурилиб, ишга туширилди.

Сўнгги йилларда касаба уюшмалари аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасида самарали фаолият олиб бораёпти. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга қаратилган ноёб тизим, яъни “аёллар дафтари” бўйича ҳам кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бунинг натижасида “аёллар дафтари” тизимининг биринчи босқичида 430 минг 275 нафар, иккинчи босқичида 450 минг 870 нафар, учинчи босқичида эса 641 минг 816 нафар хотин-қизга амалий ёрдам кўрсатилди.

**Ўтган йил давомида:**  
— “аёллар дафтари”га кирган эҳтиёжманд хотин-қизлардан 214 минг 47 нафарининг бандлиги таъминланди;  
— 45 минг 616 нафар хотин-қизга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун жами 478 млрд. 934 млн. сўмлик кредитлар ажратилди;  
— кўплаб й-жойга муҳтож хотин-қизлар тураржой билан таъминланди.  
— “аёллар дафтари”нинг 3-босқичи рўйхатида киритилган хотин-қизларни кўлаб-қувватлаш учун барча манбалар ҳисобидан жами 1,3 трлн. сўмга яқин маблағ сарфланди.

Амалга оширилган ишлар кўлами кенг. Муҳими, уларнинг тағ-заминида инсон қадр ва унинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал этиш, яшаш шароитларини яхшилаш масаласи ётибди. Ушбу вазифалар ижросида Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳам фаол иштирокчи.



## МЕВАЛИ ДАРАХТЛАРНИ СОВУҚДАН ҚАНДАЙ САҚЛАШ МУМКИН?

Айни кунларда республикамизга аномал совуқ ҳаво оқими кириб келиб, турли нуқулэйликлар туғдирмоқда. Бундай шароитда халқ тилида айтганда, “қора” совуқнинг салбий таъсирини камайтириш ва уни юмшатиш чораларини кўриш жуда зарур, албатта. Бу борада бог ҳамда хонадонларимиздаги меваали дарахтларни, айниқса, ўтган куз фаслида қадалган ниҳолларни совуқдан асрашга янада эътиборли бўлишимиз талаб қилинади. Буни амалга ошириш учун эса йиллар мобайнида синовдан ўтган ва қўллаш осон бўлган айрим тадбирлар борки, улар орасида энг муҳимларига тўхталиб ўтамиз.

### Тавсия

Боғларни совуқдан асрашда кенг қўлланиладиган тадбирлардан бири, бу — тутун ҳосил қилиш. Бунда маҳаллий шароитда кенг тарқалган сомон, шох-шаббалардан уюм ҳосил қилиб, уларни тутатиш дарахт ва ниҳолларни совуқ уришидан сақлайди. Шунингдек, чорва моллари тезакларидан фойдаланиб ҳам тутун ҳосил қилиш боғларда совуқнинг таъсирини камайтиришга сезиларли даражада хизмат қилади. Ёш дарахтларни совуқдан асраш учун қоп кийдириш амалиёти ҳам халқимиз орасида кенг қўлланилади. Бунда қоп материалдан бўлиши тавсия этилади.

Совуқ таъсирини камайтиришнинг яна бир усулларидан бири бог қатор ораларини сугориш ҳисобланади. Бунда сув ҳарорати ҳаво ҳароратидан юқори бўлганлиги учун ушбу ҳудуддаги ҳаво ҳароратини юмшатишга хизмат қилади. Иккинчи томондан, ҳосил бўлган сув буғлари ернинг ва дарахтларнинг нуранлишини камайтиради ҳамда ҳаво ҳароратининг пасайишига йўл қўймайди.

Қўйида юртимизда кенг тарқалган меваали дарахтлар ва уларнинг совуққа чидамлилиги бўйича айрим маълумотларни келтириб ўтамиз.

**Шафтоли** — совуққа чидамсиз. Бир йиллик новдалари -22, -26 даража совуқда нобуд бўлади.  
**Олма** — жанубий навлари ҳарорат -32, -35 даражадан паст бўлганда, баъзилари эса -21 даража совуқда нобуд бўлади.  
**Урик** — ёғочлилиги яхши пишган бўлса, -30 даража совуққа чидайди.  
**Гилос** — совуққа чидамсиз. -28 даражада совуқ уради.  
**Ёнғоқ** — бир йиллик қўчатлари -25, -26 даража совуқда нобуд бўлади.  
**Анор** — ҳарорат -12, -15 даражагача пасайганда бир йиллик новдалари, 15-16 даражада шох-шаббалари қаттиқ зарарланади, 18 — 20 даража совуқда барча ер устки қисми нобуд бўлади.  
**Анжир** — ҳарорат -15 даража совиганда бир йиллик янги новдаларини, -16 даражада кўп йиллик шохларини, -18 даражада эса ўсимликнинг илдири бўзигача бўлган ер устки қисмини совуқ уради.  
**Хўрно** — совуққа чидамлилиги жиҳатдан субтропик ўсимликлардан устун туради, шох-шаббаси -18, -20 даража совуққа анчагина зарарланади.

Эслатиб ўтамиз, юқорида кўрсатилган ҳаво ҳарорати, асосан, кўп йиллик дарахтларга нисбатан олинган. Ушбу меваали дарахтларнинг янги экилган қўчатлари эса юқорида кўрсатилган ҳароратларда кўпроқ зарар кўришини эътиборга олиш зарур.

**Баҳром ХОЛМИРЗАЕВ,**  
**Давлат НОРМУРОДОВ,**  
**СамДУ Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институти доцентлари.**

## ИМКОНИАТ КОРЕЯЛИК МУТАХАССИСЛАРДАН МАҲОРАТ ДАРСЛАРИ

Самарқанд шаҳридаги “Ишга марҳамат” мономарказида бугунги кунда йигирмадан ортиқ касбий таълим йўналишларида ишсиз фуқаролар ўз қизиқиши бўйича ўқитилиб, тегишли сертификатга эга бўлмоқда. Айни чоғда тингловчиларни иш билан таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Шу кунгача марказ битирувчилари 90 фоизининг бандлиги таъминлангани, юздан ортиқ корхона-ташкilotларга ҳамкорлик шартномаси асосида мутахассислар етказиб берилгани бунинг далилидир.

Меҳнат бозорини ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, асосан, аёллар саргароши, тикувчи, пайвандчи, электр тармоғи муҳандиси, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, иссиқхона технологияси мутахассислари, заргарлик, косметолог, қандолатчи ва ошпаз касбларига талаб катта бўлмоқда. Мономарказда мутахассислар тайёрлашда бу жиҳат инобатга олинаётди.

Шунингдек, ўқув машғулотларини сифатли ташкил этиш учун халқаро ҳамкорлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, шу кунларда Корея Республикасининг Global Service-Leaning KEIMYUNG COLLAGE университети профессор-ўқитувчилари ва талабалари Самарқанддаги ушбу марказда бўлиб турибди.

Марказда корейлик мутахассислар биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ошпазлик ҳамда саргарошлик касблари бўйича маҳорат дарслари ўтмоқда.

**Абдулғазиз ЙЎЛДОШЕВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

### Бухоро томонларда

## ЭНДИ ПЎЛОТЧИНИНГ ЎЗ МАКТАБИ БОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Когон тумани Халқ қабулхонаси ва туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ўтказилган сайёр қабуллардан бирида Пўлотчи қишлоғида истиқомат қилувчи аҳолидан ҳудудда мактаб йўқлиги масаласи ўртага ташланган эди.

— Ўрганишларда ҳудудда аҳоли, жумладан, мактаб ёшидаги болалар сони йил сайин кўпаяётгани, бу қишлоқ ўғил-қизлари узок йўл босиб 1, 7, 20-умумтаълим мактабларига бориб ўқишга мажбур бўлаётгани аниқланди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Когон тумани Халқ қабулхонаси мудири Саид

Мирзаев. — Шундан сўнг Пўлотчида янги мактаб қуриш керак, деган қарорга келинди. Қишлоқ аҳолисининг кўп йиллик орузси ушалиши учун нари борса, етти-саккиз ой кифоя қилди. Бу ерда 220 ўринга мўлжалланган янги 24-умумтаълим мактаби барпо этилди. “Обод қишлоқ” дастури

доирасида қад ростлаган замонавий иншоот қурилиши учун 4 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Пўлотчилик ота-оналарнинг энди кўнгиллари тўқ. Негаки, фарзандлари шундоқ қўл чўза етадиган мактабда, замонавий шарт-шароитларда сабоқ олишади.

Айтмоқчи, аҳоли талаб-истакларидан келиб чиқиб тумандаги Сорғун маҳалласида ҳам 23-умумтаълим мактабининг 240 ўринга мўлжалланган янги биноси ва спорт зали қурилиб фойдаланишга топширилди.

## ЕТМИШ ФОИЗ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИ ТЕЖАЛАДИ

Бухородаги ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари ҳамда тизим ташкилотлари маъмурий биноларида қуёш электр панелларини ўрнатиш ишлари олиб боришмоқда.

Мазкур жараён ун ой олдин бошланган ва дастлабки босқичида вилоят давлат солиқ бошқармаси биноси том қисмида “SOLAR NATURE” масъулияти чекланган жамияти томонидан қуёш панеллари ўрнатилган эди.

— Давлат солиқ қўмитаси, вилоят ҳокимлиги ва ҳудудий электр тармоқлари корхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа мутахассислар фикрига кўра истиқболли ҳисобланади, — дейди Бухоро вилояти давлат солиқ бошқармаси масъул ходими Баҳодир Файзиев. — Номинал қуввати 535 Вт бўлган 112 та монокристалли қуёш панели ва 24 та инвертордан иборат мазкур кичик станция йилига 22 минг кВт электр энергияси ишлаб чиқаради. Бунинг натижасида салкам 70 фоиз электр энергияси истеъмолли тежалади.



Тизимдаги 14 та маъмурий бинода ҳудди шундай мўқобил энергия манбаси ўрнатиш режалаштирилган. Бу юмушлар январь ойи охирига қадар нияҳонсига етказилиши мўлжалланган.

Таъкидлаш ўринлики, 2022 йилнинг 10 июнида Президентимиз раҳбарлигида қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кен-

гайтириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида барча вазирлик ва идораларда электр ҳамда иссиқлик энергияси харажатларини камида 30 фоизга қисқартириш юзасидан вазифалар белгилаб берилган эди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**  
**(«Халқ сўзи»).**

## «New Life sug'urta kompaniyasi» АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома

### ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!

«New Life sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти Кузатув кенгашининг 2023 йил 9 январдаги қарорига асосан жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2023 йил 2 февраль кuni, Тошкент шаҳри, Амир Темур шох-кўчаси, 47-уйда жойлашган жамиятнинг бош офиси биносида ўтказилади.

Электрон почта манзили: info@nli.uz

#### Йиғилиш кун тартиби:

- Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
- Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ мажбурий ташқи аудитни ўтказиш мақсадида 2022 йил учун аудиторлик компаниясини танлаш ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун акциядорларда шахсони тасдиқловчи ҳужжат, акциядорлар вакилларига эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

**Телефон: 71-203-99-77.**

Акциядорлар умумий йиғилишида кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан жамият маъмурий биносида эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10.00 дан 17.00 гача танишишлари мумкин.

**Кузатув кенгаши**

Реклама



# ИСТЕЪДОДЛИ ИНСОНЛАР МАМЛАКАТНИНГ БЕБАҲО БОЙЛИГИДИР

➡ Англаганингиздек, бугун амалга оширилаётган маъмурий ислохотларга Сингапур тажрибаси ва Ли Куан Юнинг йўли жуда қўл келиши мумкин.

Маълумки, Ли Куан Ю меритократия бошқарув тамойилига амал қилган. Бу нима дегани?

Ушбу тамойилга кўра, раҳбарлик лавозимларини ихтимой келиб чиқиши ва молиявий аҳолидан қўли назар, энг қобилиятли кишилар эгаллайди. Унинг фикрича, сиёсатчилар ҳокимият, куч ва маблағ билан таъминлаб қўйилса, албатта, яхши натижа беради. Сиёсатчилар маошининг миқдори бўйича Сингапур дунёда иккинчи ўринни эгаллайди. Бошқарувга кучли одамларни жалб этиш ва коррупцияга барҳам беришда ана шу омил қўл келган.

Рабат ҳар қандай ташкилот, корпорация ва мамлакатнинг узок муддатли ютуқларини белгилловчи асосий омил ҳисобланади. Етақчининг роли шундаки, у одамлар ўзини ўзи рағбатлантиришни билмаслигини, демак, уларга туртки бериб туриш кераклигини аңглата олиши зарур.

Ли Куан Ю юқори малакали ҳодим учун ҳар қанча бўлсаям, катта ҳақ тўлашга тайёр бўлган. “Ҳамма нарсасда тежаш мумкин, лекин бунда эмас”, деб ҳисоблаган. Эътиборлиси, ҳокимиятдаги барча ҳодимларга юқори маош бериш керак, демаган, балки ҳокимиятдаги энг билимдон ва омилдор ҳодимларни муносиб рағбатлантириш гоёсини илгари сурган.

Таъкидлаш керакки, Ли Куан Ю моддий рағбатни тўғри қўллаш орқали оқил кишиларни давлат хизматига жалб этиш билан бир қаторда уларнинг мақомини ҳам кўтарди. Сингапурда сиёсатчиларга катта ҳурмат қўрсатилади. Ўзига ва бошқа сиёсатчиларга нисбатан қўпол ҳазил, сатира ё карикатурага қарши қатъий курашган. “Ўз устидан кулишларига йўл қўйган раҳбар асло раҳбар эмас”.

БМТнинг собик Бош қотиби Кофи Аннан таъкидлаганидек, Ли Куан Юнинг сайёҳаракатлари билан муносиб, фидойи кадрлар ўз ўрнига қўйилганлиги тўғрисида Сингапур барча ривожланаётган мамлакатлар интилаганидан орауни рўйбга чиқаришга, яъни “учинчи дунё”дан “биринчи дунё”га ёриб киришга муваффақ бўлди.

Чиндан ҳам, Сингапур мустақилликка эришган пайтда унинг ялпи ички маҳсулоти 3,6 миллион долларни, аҳоли жон бошига эса 400 долларга яқини ташкил этган бўлса, Ли Куан Ю бош вазир лавозимини тарк этган вақтда ЯИМ 28 миллиард долларга, аҳоли жон бошига 12,8 миллион долларга етди. Бугунги кунда Сингапур фан ва юқори технологиялар соҳасида Жануби-Шарқий Осиёда етақчилик қилиб келмоқда. Нью-Йорк ва Лондондан кейин дунёда учинчи энг катта молия маркази ҳисобланади.

Мана, малакали, оқил раҳбар кадрларнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни!

## Коррупцияни қандай енгиш мумкин?

Сингапур Республикаси 1965 йили мустақилликка эришгунига қадар у ерда порахўрлик ва давлат маблағини ўзлаштириш жиддий муаммога айланган эди. Ишга, ўқишга киришдан тўртиб бирор масалани ҳал қилиш фақат пора билан ҳал этилган. Янги етақчи сайёҳаракатлари тўғрисида коррупция муаммоси тезкорлик билан самарали ҳал этилди.

Сингапурда коррупцияга қарши кураш учта муҳим йўналишга қаратилган. Биринчиси, порахўрларни давлат аппаратида чикариб юбориш.

Иккинчиси, давлат хизматларини максимал даражада соддалаштириш. Учинчиси, аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича жазо чораларини қўлайтириш.

Коррупцияга қарши кураш ҳақида сўз кетганда, унинг қуйдаги чораларини айтиб ўтиш лозим: амалдорлар ротацияси йўлга қўйилди; юқори лавозимдаги амалдорларнинг ўзидан қўли бўгин амалдорларни текшириш шарт бўлиши таъминланди; режадаги текширувлар ўрнига тасодикий текширувлар жорий этилди; мустақил ОАВ фаолиятини рағбатлантириш таъминланди; ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришчи фуқаролар билан ўзиди алоқа тизими йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, амалдорларнинг ойлик маоши кўтарилди, ўз навбатида, ҳокимият органларига энг яхши мутахассисларни жалб қилиш ва юқори малакали, моддий жиҳатдан таъминланган давлат хизматчилари қатламини шакллантириш имконияти яратилди. Маскур чораларнинг барчаси қўйилган самараларни берди. Давлат органлари хизматчилари порахўрликка ундайдиган ҳолатлардан қутулди.

Сингапурнинг коррупцияга қарши курашиш тажрибаси шундан далолат берадики, биринчи ўринга инсон омилли ва

аҳоли ишончи қўйилса, албатта, натижа бўлади. Бугун юртимизда амалга оширилаётган ислохотларда айна шу тамойиллар устувор эканлигига ғувоҳ бўласиз. Яъни ҳар бир вазирнинг сиёсий мақоми, Президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги масъулияти оширилган. Айни пайтда уларга аҳоли муаммоларини ҳал қилиш учун етарли ваколат ва маблағ берилмоқда. Энг асосийси, вазирликлар фаолиятида очиклик, қонунчилик, натижадорлик ва сифат асосий мезонга айланмоқда. Эндилликда талаб ҳам шунга яраша қаттиқ бўлади, албатта.

Бу ҳақда гап кетганда, Президентимизнинг “*Биз коррупция ҳақида қўл гапирармиз, лекин вазирлик тизимида коррупцияга йўл қўйилса, нима учун вазир жавоб бермаслиги керак? Энди сўров бошқача бўлади. Вазир ўзи раҳбарлик қилаётган соҳага ажратилган маблағларини самарали ва мақсадли ишлатиш бўйича биринчи бўлиб ўзи жавоб беради*”, деган гапларини эслаш кифоя.

Агар деҳқон ҳафсала қилмаса, далада чирмовуқ билан ажриқ ҳам гуркураб ўсиб, асосий экинлар озқукага шерик бўлади. Унга қарши вақтида ишлов берилмаса, қўтилаётган ҳосилни йўққа чиқариши ҳам ҳеч гап эмас. Коррупция ҳам худди шундай иллат. Унга қарши самарали ва таъсирчан “гирбицид”ни яратиш, ўз вақтида қўллаб турмоғимиз даркор. Президентимиз айтганидек, “*Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак...*”

Энг асосийси, коррупцияга қарши жазо муқаррарлиги ва қонунчиликни қўлайтиришимиз зарур. Бунга тасдиқ қўл урганларга эса худди Сингапурдаги каби умрбод қамоқ жазосини қўллаш керак, назаримда.

## Ихчам ва самарали бошқарув

Нима учун ислохотларнинг айни босқичида давлат бошқарув тизимида ўзгаришлар қилинмоқда? Нима сабабдан ушбу тизим ихчамлаштирилган?

Жавобни узоқдан излашга ҳожат йўқ. Мурожатномада келтирилганидек, ҳозирги кунда давлат аппаратида тақорланиш кўп, кераксиз штатлар бор, марказлашув юқори. Оқибатда бугунги мураккаб масалаларга тўғри ечим топиш учун ортқича вақт, куч ва ресурс сарфланмоқда.

Мана, нега давлат бошқарув тизими ихчамлаштирилмоқда. Бу жараён аввалида вазирликлар ислох қилиниб, ҳукумат иш услуби ҳам тубдан ўзгариляпти. Бунинг зарурати ҳақида гапиришдан ол-

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, бунинг ҳисобига 2,8 триллион сўм маблағ тежалиши кутилаётди. Жумладан, вазирлик ва идоралар штат бирликлари 30 фоизгача қисқартириш ҳисобига 2,4 триллион сўм, ташкилот ва идораларни мақбуллаштириш ҳисобига бўшаган 300 дан ортқи биноларни сотишдан 300 миллиард сўм маблағ бюджетга тушади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Раҳбар лавозимини қисқариши тўғрисида 55 та автомашинани аукционда сотишдан 16,5 миллиард сўм, ҳудудларга хизмат сафарларини қамайтириш, онлайн қабул тизимини қўллаш ҳисобига эса қарийб 17 миллиард сўм маблағ тежалиши кутилмоқда. Давлат бошқаруви аппаратида сақлаш билан боғлиқ харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига 22 миллиард сўм иқтисод қилинади.

Шунингдек, расмий тадбирларни ўтказиш бўйича максимал нархларни ўз ичига олувчи меъёрларни белгилаш орқали харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига 18 миллиард сўм тежалиши режалаштирилган. Ушбу маблағларнинг барчаси их-

ниш имкониятлари яратилди. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида қарийб 350 турдаги хизматлар онлайн шаклда қўрсатилиши йўлга қўйилди.

## Раҳбар танлашга Соҳибқирон тажрибаси

Давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, масъул лавозимларга муносиб раҳбарларни топиб қўйишда нафақат хориж тажрибаси, айни чоғда миллий-тарихий тажрибадан унумли фойдаланиш ҳам мумкин. Бу борада Соҳибқирон бобомиз Амир Темури тугган йўл асқатади, албатта.

Айниқса, “Темури тузуклари” давлат бошқаруви ва хизматининг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, раҳбарлар учун зарур сифатларнинг айримлари бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Тарихдан маълумки, Амир Темури даврида бошқарув икки идора: даргоҳ ва девон (вазирлик)ларга бўлинган. Даргоҳ энг олий давлат идораси ҳисобланиб, унинг бошлиғи олий ҳукмдор, яъни Амир

Коррупцияга қарши курашишда аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланмас экан, ўз олдимишга қўйган юксак марраларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак...

Темурининг ўзи бўлган. Даргоҳ фаолиятини бошқариш, унинг вазирликлар, маҳаллий ҳокимият идораларини салтанат фаолияти билан боғлаб туриш ишларини олий девон — Девони бузрук олиб борган. Унга девонбеги бошчилик қилган. Бундан ташқари, манбаларда ташқи ишлар, адлия ва давлат назоратини сингари вазирликлар бўлгани ҳам келтирилади.

Даргоҳдаги муҳим лавозимлардан бири арзбеги ҳисобланган. Унга даргоҳга шикоят ёки тақлиф билан келганлар қабулини уюштириш, тушган арз, шикоят ва тақлифларни олий ҳукмдорга етказиш вазифаси юклатилган. Шунингдек, давлат муассасаларида тавочи (лашкар тўловчи),



Сирожидин ВОҲИДОВ олган сурат.

органининг соҳага оид бўлмаган вазифаларини қисқартириш ва фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали уларнинг тузилмаси ўртача 15 фоизга мақбуллаштирилди, шунингдек, 26 та давлат органлари ва ташкилотларида 40 та раҳбар ўринбосарлари лавозимлари қисқартирилди.

Давлат органлари фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш ҳисобидан бюрократик тўсиқларни қисқартириш ва аҳолига давлат хизматларини қўрсатиш тизимини яхшилаш мақсадида 30 га яқин турдаги лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди, 70 дан зиёд давлат хизматлари соддалаштирилди, давлат ташкилотлари томонидан 60 дан ортқи ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинди.

“Электрон ҳукумат” тизимининг фойдаланувчилари сони 4 миллиондан ошиб, у орқали давлат идораларининг 130 дан ортқи ахборот ресурсларидан фойдала-

бош ҳожиб, расмий тадбирлар бошқарувчиси, хазинадор, хонсолар, қушчи, қушбеги, қотиблар, созандалар, газалхонлар, табиблар, фаррошлар каби бир қанча лавозимлар бўлган.

Таъкидлаш керакки, Амир Темури “Куч — адолатдир” деган шioriга риоя қилган ҳолда мамлакатни идора қилган. Вазирлар, давлат хизматчиларига қўйилган бошқа сифатлар айнан шу шiorдан келиб чиқиб шаклланган, дейиш мумкин. Чунки Соҳибқирон мансабдор шахсларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш қобилиятини ҳокимиятни амалга ошириш ва мустаҳкамлашнинг бош шарт, деб ҳисоблаган. Жумладан, вазир лавозимига талабдор шахс турт фазилатга эга бўлиши лозим бўлган: биринчиси — асиллик, тоза наслилик, иккинчиси — ақл, фаросатлилик, учинчиси — сипоҳу раият аҳолидан хабардорлик, уларга нисбатан ҳушмуомалада бўлишлик, туртинчиси — сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.



Асиллик, тоза наслилик фазилати темурийлар даврида вазирларни, мансабдорларни танлашнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади. Боиси мамлакатлар ўртасида жосуслик хизматлари кенг авж олган вазиятда мамлакат учун садақатли кадрларни топиш долзарб эди. Вазир лавозимига талабдор шахс учун талаб қилинадиган қолган фазилатлар эса бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолган.

Умуман олганда, Амир Темурининг давлат тизими ва бошқаруви ташкил этишдаги ўзига хос мактаби адолатли, инсонларпар ҳақиятини қарор топтириш кераклигини ўқтиради. Амир Темурининг давлатчилик тамойиллари бевосита ўз тафаккур кучига, ўз фикрининг тўғрилигига, ақл-идрок салоҳиятига, тактика ва стратегиясининг пухта, ҳаётий ва яшовчи эканлигига қатъий ишонч асосида шаклланган эди. Бу бевосита унинг давлат ва сиёсат арбоби сифатида тўлақонли сиймосини, бетакдор шахс сифатидаги ноёб иқтидорини, феъл-атворини, иродаси ва олисини кўра олиш қобилиятини кўрсатади.

## Қумдаги марваридлар

“Вазир, раҳбар ва мутахассис сифатида қанчалик истеъдодли кишилар ишласа, ҳукуматнинг сиёсати ҳам шунча самарали ва натижадор бўлади”. Бу гап ҳам Ли Куан Юга тегишли. У ислохотларни амалга оширишда, аввало, истеъдодли инсонларга таянган. Табиийки, бу борадаги тажрибасидан келиб чиқиб, муваффақиятли бошқарувчиларни қумдаги марваридларга қўйслаган.

Дарҳақиқат, Ли Куан Ю “Яшаб қолиш учун бизга дохияна ҳукумат зарур”, дея таъкидлар экан шу мақсад йўлида қумга сочилган марваридларни бир ҳалқага тизишга муваффақ бўлади. Яъни ҳеч қандай табиий бойлиғи йўқ мамлакатда энг асосий захира бўлиши ўқимлиши ва юқори малакали одамларга таяниб, ҳукумат шакллантиради.

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ҳақиқий етақчилар янгиликларни олдиндан кўра олиш қобилиятига эга бўлганлар. Фан ва технологиялар бўладими, бизнес ёки бошқарувми — ҳар қандай соҳада муваффақият қозонишга одамлар билан бир қаторда глобал макро-иктисодий ва сиёсий трендлар ҳам таъсир кўрсатади.

Дунёни ўзгартирмоқчи бўлган инсоннинг, айниқса, раҳбарларнинг имкониятлари чексиз. Энг муҳим манба эса инсоннинг ижодкорлиги ва янгиликка интилиши, шунингдек, катта ўзгариш ва аъёналарни олдиндан қўришга қодир бўлган кучли етақчи раҳбарлик қиладиган, тўғри тарбияланган команда ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга жиддий шахд қилган давлатимиз раҳбари томонидан бугун қумдаги марваридлар терилиб, дохияна ҳукумат шакллантирилмоқда. Бунинг Сингапур тажрибасидан фарқли томони шундаки, кадрлар шунчаки танлаб олинмаяпти, аксинча, истеъдодли раҳбар кадрлар шакллантирилмоқда. Негаки, собик маъмурий буйруқ-бозлик тизимида аъёнавий равишда меҳнат жамоаларига раҳбарлик қилишнинг авторитар услуби кенг тарқалган эди. Бозор иқтисодиётига ўтилиши, мамлакатдаги ихтимой ҳаётни демократ-

Дарҳақиқат, бизнинг бахтимиз шуки, ҳақид боболаримиз, улуг алломаларимиз орзу қилган замонда яшаймиз. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ҳамда учинчи Ренессансга асос солишдек тарихий жараёнга, ҳамма соҳада амалга оширилаётган инқилобий ислохотларга ғувоҳ бўлаямиз.

Эндилликда бу оламшумул ўзгаришларнинг кузатувчиси эмас, унинг фаол иштирокчисига айланмоғимиз зарур. Зотан, қўшилар билан ўрнатилган дўстона муносабатлар, тенг ҳуқуқли халқаро алоқалар, маънавият ва маънавият жаҳасидаги эркинликлар, фан, таълим ва илмга берилётган катта эътибор — булар шунчаки иш эмас. Уни чуқур ҳис қилиш, ўзгариш ва янгилашни янада бойитиш учун ҳамма ўз юрагида инқилоб қилиши лозим. Ўйғониш керак! Богча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчиларидан тортиб, катта-кичик мутахассислар, раҳбарлар — барча бирдек янги Ўзбекистон ҳиссидан ўйғонишимиз шарт. Мудраб ётмаслигимиз зарур.

Унутмайлик, мудроқлик, ҳафсаласизлик жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётига фақат тушов бўлади, ҳолос.

Завқу шавқни, шавкатли шижоат билан билан ишлашни янги Ўзбекистон меъморидан ўрганайлик!

лаштириш жараёнлари, бизнес соҳаларининг кенгайтирилиши, ҳўжалик юртишининг турли, жумладан, нодавлат шакллариининг вужудга келиши ва ривожланиши — кадрлар салоҳиятини инновацион ривожлантиришни таъминлашда раҳбарлик услубини тубдан ўзгартириши қатъий талаб қилди.

Содда айтганда, бугун замон талабларига жавоб берадиган лидер кадрлар етишмаслиги кўзга ташланиб қолмоқда. Ана шу кемтикни тўлдириш йўлида хорижий илгор тажрибалари ўрганиляпти. Бунинг учун Осиё ёки Европа мамлакатларидан нусха қўйрилгани йўқ, ўзимизга мос келадиган жиҳатларгина олинаётди. Масалан, кадрлар салоҳиятини инновацион ривожлантиришнинг японча услуби ҳам қўлланилмоқда.

Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, у ҳодимларни мажбур қилиш эмас, балки ишонтиришга асосланади. Японияда ҳар бир корпорация ўзининг корпоратив фалсафасига эга бўлиб, асосий эътибор сямимийлик, уйғунлик, жамият ҳаётини яхшилашга қаратилган. Мамлакатда кадрлар салоҳиятини инновацион ривожлантиришга доир дундашунинг асосида, энг аввало, инсон фаолиятининг моддий ва маънавий бойлиқлар яратишининг барча белгиланган максадлари, унинг доирасида амалга оширилаётган соҳаси эканлигини тушуни ётади.

## Нажот — таълимда, нажот — билимда

Маъмурий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги шaroитда давлат етакчиси ҳамма масаланинг ечимини таълимда, илмда қўрмоқда.

“*Ҳамма сайёҳаракатларимиз тағида таълим бор. Қайси ҳудудга борсан, ёшлар билан, катта-катта корхоналардаги ишчилар билан суҳбатлашаман. Улардан “Сизни нима қийнайди?” деб сўрасам, билим етишмаслигини айтади. Ривожланган давлатлар бугунги иқтисодиётга қандай эришган? Билим эвазига! Шунинг учун аввалбошдан таълимни яхшилашга ҳаракат қилаймиз. 2023 йилга “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб ном бердик. Энди мактабларимизга мутлақо янги муҳит ва сифат кириб келиши керак*”, деди давлатимиз раҳбари.

Президент ташаббуси билан нафақат таълим тизимини ривожлантириш, балки раҳбарларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, лавозим курсларига лаёқатли ва истеъдодли инсонларни саралаб қўйиш чора-тадбирлари қўйилаётгани қувонарли ҳолдир.

Зотан, саноатлашган жамият ўз ўрнини билимга асосланган жамиятга бўшати беради. Дунёда билимли раҳбарлар ва билими йўқ инсонлар ўртасида янги чиқиқ тортилади.

Шу боис эндилликда ҳар йили 500 нафар мутахассис энг нуфузли хорижий олийгоҳ ва марказларда ўқитилади. Бундан ташқари, “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги янги қонунга кўра, давлат лавозимларига фақат конкурс асосида ишга қабул қилинади. Барча раҳбарлар фаолияти самарадорлик қўрсаткичлари асосида баҳолан бўлилади.

Маъмурий ислохотларнинг иккинчи босқичида эса ҳудудлардаги бошқарув тизими ҳам ислох қилиниши кўзда тутилган. Унга кўра, келгуси икки йилда ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимлигига республика идораларида юқори лавозимларда ишлаган, билимли ва тажрибали кадрлар қўйилади. Маърифатпарвар ҳақид боболаримиз таъкидлаганидек, нажот — таълимда, нажот — тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу максалларга билим ва тарбия тўғрисида эришилади.

## Ҳафсаласизлик тараққиётга тушов

Низомулмулк ўз даврида давлатни бошқариш жараёнида вазирлар, бошқа кичикрок лавозим эгалларини ўз ишларига жиддий муносабатда бўлиш, зиммасидаги ишларни ҳалоллик ва поклик билан бажаришга даъват этган.

Унинг бу қақирқилари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Аксинча, бугунги очиклик сиёсати ва эркинлик ҳар бир юртдошимиз, айниқса, раҳбарларни янада масъулияти бўлишга, қалбида дахлдорлик ҳисси қучайиб, эл-юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида фидойи бўлишга ундамоқда.

Бакриддин ЗАРИПОВ, академик, биология фанлари доктори, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори.

## Халқ сўзи

## Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 141. 20 214 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетани хандаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.



Тахририятга келган қўёғмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун буюбини расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.  
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

## • МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.

Муасхххх — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21